Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 65 (7205). ● 3 апрель, 1980 йил. ◆ ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТДАГИ ЯНГИ ЗАФАРЛАР ВАТАНГА БАХШИЙДА

2 апрель куни Самарқандда Ўзбекистон сабзавоткорлари, боғбонлари, соҳибкорлари, картошкакорлари ва полизчиларининг қурултойи бўлди. Унда қатнашган республика барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР социалистик мусобақа ғолиблари, мўл ҳосил устаси, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, олимлар, конструкторлар, қайта ишлаш саноати ва бошқа саноат корхоналарининг вакиллари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумларининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган талаблар асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мана шу муҳим тармоқларини янада ривожлантиришга доир вазифаларни муҳокама қилдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев кириш нутқи сўзлаб очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос, давомли қарсаклар остида фахрий президиумга сайланади.

Ўтган йилги якунлар ҳамда беш йилликнинг тугалловчи йилида сабзавот, мева, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш юзасидан республика колхоз ва совхозларининг социалистик мажбуриятлари тўғрисида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасининг раиси О. А. Алимов, академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори М. М. Мирзаев доклад қилдилар.

Докладларни муҳокама қилишда Бухоро районидаги «Галаосиё» совхоз-заводининг боғидагири У. Ойназаров, Бахмал районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг директори Х. Аширқулов, Қорақалпоғистон ишлаб чиқариш аграр бирлашмасининг бош директори М. Иброҳимов, Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» совхозининг директори Х. Умурзоқов, Пастдарғом районидаги «Пастдарғом» совхозининг директори Н. Козимов, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари Р. Қамбаров, Тошкент областидаги У. Юсупов номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг бош директори Ж. Хоназаров, Риштон районидаги «Сўх» совхозининг бригадири Д. Исломов, сабзавот-полизчилик экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институтининг директори А. И. Нуриддинов, боғ, токзор ва полиз экинлари учун машиналар «Средазсельхозмаш» Тошкент илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Г. Волков, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз лимонзорининг мудири З. Фахриддинов, академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Самарқанд филиалининг директори Д. М. Мусаев... иштирок этдилар.

Докладчилар ва нотиқлар шуни қайд этдиларки, республика деҳқонлари ўтган йилнинг мислсиз қийин шароитларида қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар, уларни уюшқоқлик билан йиғиштириб олдилар, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажардилар. Ўзбекистон ССР Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг 1979 йилги якунларига биноан КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланишида сабзавоткорлар, боғбонлар, соҳибкорлар, картошкакорлар, полизчиларнинг ҳам каттагина ҳиссаси бор. Улар беш йилликнинг тўртинчи йилида 2 миллион 233 минг тонна сабзавот, 729 минг тонна ҳўл мева, 503 минг тонна узум, 213 минг тонна картошка, 903 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштирдилар. Давлатга 2 миллион 982 минг тонна, яъни йиллик планда кўзда тутилганига нисбатан 534 минг тонна кўп мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Ўтган йили эришилган муваффақиятлар колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнати, партия билан ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги, сабзавоткорлик, боғдорчилик, соҳибкорлик, картошкакорликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш янада чуқурлаштирилганининг, шу тармоқларни хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграциясини ривожлантиришнинг натижаси бўлганлиги қурултойда уқтириб ўтилди.

Калинин, Оржоникидзе, Тошкент, Самарқанд, Булунғур районларининг гектар бошига айниқса мўл ҳосил олишга эришдилар, бу районларда сабзавот экинзорлари, боғ ва токзорларнинг катта-катта массивлари жойлашган. Бу ерларда фан ва техника ютуқларидан, илғор агротехника усулларидан кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Қурултой иштирокчилари ўтган йилнинг якунларини таҳлил этиб, бутун диққат-эътиборни ҳали ҳал этилмаган проблемаларга, резерв ва имкониятларга қаратдилар, бу резерв ва имкониятларнинг ишга туширилиши мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш имконини беришини айтдилар. Чуноқи баъзи бир хўжаликларда экинзорларнинг ҳосилдорлиги паст, Андижон, Наманган областларининг бир қанча ихтисослаштирилган совхозларида бултур айрим турдаги маҳсулотларни етиштириш планлари бажарилмай қолганлиги қайд этилди.

Қурултойда сермеҳнат ишларни янада тузукроқ механизациялаш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш агротехникасини такомиллаштириш масаласи ўткир қилиб қўйилди. Олимлар, конструкторлар сабзавотзор, боғ-токзорлардаги ишлар учун техника ишлаб чиқарувчи машинасозлик ташкилотлари деҳқонларга кўпроқ ёрдам беришлари керак.

Нотиқларнинг нутқларида экинларни қалинроқ экиш, алмашлаб экишдан, аралаш, такрор ва оралатиб экишдан янада кенгроқ фойдаланиш, тез ҳосилга кирадиган пастак дарахтли боғлар барпо этиш сингари ҳосилдорликни оширишнинг муҳим резервларини ишга солиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Аҳолини янги сабзавот билан йил бўйи таъминлашни йўлга қўйиш учун теплица хўжаликларини бундан буён ҳам ривожлантириш лозимлиги қурултойда уқтириб ўтилди. Теплицаларнинг ҳар квадрат метридан 26—27 килограмм сабзавот олаётган Тошкент теплица комбинати ва «Жиззах» совхози меҳнатчиларининг тажрибасини кенг оммалаштириш зарур.

Маҳсулотнинг турлари проблемаси ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Шафтолизор, ўрикзор, олхўризорларни кенгайтириш, анор, анжир етиштиришни кўпайтириш керак. Республика хўжаликларида цитрус мевалар етиштириш учун ҳамма шароит бор.

Қурултой қатнашчилари узумчиликни ривожлантириш проблемаларига катта эътибор бердилар. Яқин йилларда узум етиштиришни 1,5 миллион тоннага, майиз тайёрлашни 100 минг тоннага етказиш вазифаси турибди. «Узплодоовощвинпром» хўжаликларининг ўзида 95 минг гектар янги токзор барпо этиш белгиланган. Бунинг учун бирлашманинг бир қанча хўжаликларида энг қимматли ширин ва майизбоп нав узумзорларни кенгайтириш учун сара кўчатлар етиштириш йўлга қўйилди. Чуноқи, Сурхондарё областининг К. Маркс номли совхозида бултур 44 гектар майдонга 2,3 миллион туп кўчат ўтказилди. Аммо баъзи хўжаликларда, жумладан, Жиззах, Хоразм областларининг хўжаликларида бу муҳим иш билан дурust шуғулланаяпмаслар.

Қурултойда сўзга чиққан нотиқлар кўкламги дала ишларини муваффақиятли ўтказиш муҳимлиги қайд этдилар.

Қурултой қатнашчилари самимий қутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади. У қурултой В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига, КПСС XXVI съездига ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига тайёргарлик муносабати билан меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик жўш ураётганлигини таъкидлади. Барча совет кишилари қатори республика меҳнаткашлари ҳам мамлакат ҳаётидаги мана шу шонли воқеалар шарафига, 1980 йил учун белгиланган планлар ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ҳамда умуман беш йилликни барвақт бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёздирдилар. Коммунистик партия одамларнинг фаровонлигини ўстириш, бутун экономикани ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда.

Маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш концентрациялашни ва ихтисослаштиришни жорий этиш билан, хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси билан, деҳқончилик маданиятини яхшилаш, қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғланган. Экинзорларнинг ҳосилдорлигини имкони борича ошириш, маҳсулотнинг юксак сифатини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриш зарур. Сабзавот, мева, узум, картошкани яхшироқ асраш, уларни истеъмолчиларга имкони борича нобудгарчиликка йўл қўймай етказиб бериш масалаларини пухта ўйлаб ҳал этиш лозим.

Ш. Р. Рашидов чорвачиликни ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталди. Сабзавотчилик ва боғдорчилик-узумчилик хўжаликларида гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтириш учун яхши имкониятлар мавжуд. Чорвачиликни юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — барча қишлоқ меҳнаткашларининг бурчидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент область чорвадорлари эришган меҳнат ғалабаси муносабати билан пойтахт области партия комитети ва область ижроия комитетига йўллаган мактубида баён этилган тавсиялар ҳаракат программаси бўлиб қолиши лозим.

Қурултой қатнашчилари беш йилликнинг тугалловчи йили учун социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Республика колхоз-совхозларида 1 миллион 220 минг тонна сабзавот, 200 минг тонна картошка, 550 минг тонна полиз маҳсулотлари, 312 минг тонна мева ва 390 минг тонна узум етиштириш белгиланди.

Қурултой ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Фролов, Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. А. Аҳмедов иштирок этдилар.

* * *

Қурултой қатнашчилари Самарқанд областининг илғор сабзавотчилик ва боғдорчилик-узумчилик хўжаликларига бориб, мўл ҳосил миришкорларининг иш тажрибаси билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ПИЛЛАЧИЛАР, МУСОБАҚАГА АКТИВ ҚЎШИЛИНГ!

Область қишлоқ хўжалиги механизаторлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этаётган ҳолда, пилла етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда муайян ютуқларга эришдилар. Область колхозлари, совхозлари ва бошқа давлат хўжаликлари беш йилликнинг тўрт йили мобайнида давлатга 8 минг тоннадан кўпроқ пилла сотдилар. Пилла тайёрлаш ҳажми 121,3 процент қилиб бажарилди.

Область қишлоқ хўжалиги механизаторлари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) ва ноябрь (1979 йил) Пленумлари қарорларига жавобан 1980 йилда давлатга камида 1890 тонна пилла сотишга қарор қилишди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область пиллачиларининг 1980 йил социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун меҳнат активликларини ошириш мақсадида районлар, колхозлар, совхозлар, пиллачилик бригадалари ва звенолари коллективлари, область бош пиллахоналари ўртасида пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун соцмусобақани авж олдиришга қарор қилдилар. Пиллачилар социалистик мусобақаси шартлари маъқулланди.

Социалистик мусобақа ғолибларини тақдирлаш учун Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг тўртта кўчма Қизил байроғи ҳамда районлар учун 500 сўм, колхоз ва совхозлар учун 300 сўм миқдорида пул мукофотлари таъсис этилди. Кўчма Қизил байроқларнинг биттаси районларга, биттаси колхозларга, биттаси область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси системасидаги совхозлар, биттаси «Ташсадвинсовхоз» трести совхозлари учун берилади. Байроқ билан бирга илғор пиллачиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Илғор бригада, звенолар коллективларига ва алоҳида намуна кўрсатган пиллачиларга область қишлоқ хўжалик ва пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармалари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи область комитетининг фахрий ёрлиқлари, вимпел ва дипломлари берилади.

Область план бўлимига 1980 йилда пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа илғорларини рағбатлантириш учун мусобақа шартларига биноан уларга сотиш учун 19 та енгил автомашина ажратиш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ва пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармалари, «Ташсадвинсовхоз» трести, колхоз, совхозлар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига пилла етиштириш юзасидан олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажариш, унинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш учун колхозлар, совхозлар, бригадалар, звенолар коллективлари, мутахассислар, колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш учун зарур оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни кучайтириш вазифаси юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун соцмусобақа шартларига биноан уларга сотиш учун автомашина ажратиш топширилди.

1980 ЙИЛДА ПИЛЛА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ОБЛАСТЬ ПИЛЛАЧИЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ

ШАРТЛАРИ

1980 йилда пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш бўйича область пиллачилари социалистик мусобақасида районлар, бош пиллахоналар, колхоз, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари, камида 30 қути қурт уруғи парвариш қиладиган бригадалар, камида икки қути қурт уруғи парвариш қиладиган звенолар область комитетларининг, область ижроия комитетига йўллаган мактубида баён этилган тавсиялар ҳаракат программаси бўлиб қолиши лозим.

Қурултой қатнашчилари беш йилликнинг тугалловчи йили учун социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Республика колхоз-совхозларида 1 миллион 220 минг тонна сабзавот, 200 минг тонна картошка, 550 минг тонна полиз маҳсулотлари, 312 минг тонна мева ва 390 минг тонна узум етиштириш белгиланди.

Қурултой ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Фролов, Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. А. Аҳмедов иштирок этдилар.

* * *

Қурултой қатнашчилари Самарқанд областининг илғор сабзавотчилик ва боғдорчилик-узумчилик хўжаликларига бориб, мўл ҳосил миришкорларининг иш тажрибаси билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ҒОЛИБЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

1. **Илғор районга** Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи берилади ҳамда илғорларга сотиш учун битта енгил автомашина ажратилади.

2. Пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашда энг яхши кўрсаткичларга эришган **район бош пиллахоналари коллективларига** учта мукофот берилади:

а) биринчи ўрин учун — кўчма Қизил байроқ, телевизор ва 300 сўм миқдорида пул мукофоти;

б) иккинчи ўрин учун — диплом, магнитола ва 200 сўм пул мукофоти;

в) учинчи ўрин учун — вимпел, радиоприёмник ва пул мукофоти.

3. **Бош пиллахоналарнинг директорлари, катта ва участка агрономлари** пилла тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятлар ҳамда пилланинг нави бўйича белгиланган план бажарилган ҳолда область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармаси ва қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область комитетининг фахрий ёрлиги ҳамда бир ойлик иш ҳақлари миқдорида мукофотланадилар.

4. Пилла етиштиришда энг юқори натижаларга эришган **колхозлар коллективларига** учта мукофот берилади:

а) биринчи ўрин учун — кўчма Қизил байроқ ва телевизор;

б) иккинчи ўрин учун — диплом ва магнитола;

в) учинчи ўрин учун — диплом ва радиоприёмник.

5. Энг юқори кўрсаткичларга эришган **область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Ташсадвинсовхоз» трести системасидаги совхозларга** учта мукофот берилади:

а) биринчи ўрин учун — кўчма Қизил байроқ, телевизор ва 300 сўм пул мукофоти;

б) иккинчи ўрин учун — диплом, радиоприёмник ва 200 сўм пул мукофоти;

в) учинчи ўрин учун — диплом, радиоприёмник ва 100 сўм пул мукофоти.

6. Колхозлар ҳамда область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари, «Ташсадвинсовхоз» трести, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи область комитетининг қарори асосида социалистик мусобақа ғолибларини мукофотлаш ҳақидаги таклиф область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади.

ҒОЛИБЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

1. **Илғор районга** Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи берилади ҳамда илғорларга сотиш учун битта енгил автомашина ажратилади.

2. Пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашда энг яхши кўрсаткичларга эришган **район бош пиллахоналари коллективларига** учта мукофот берилади:

а) биринчи ўрин учун — кўчма Қизил байроқ, телевизор ва 300 сўм миқдорида пул мукофоти;

б) иккинчи ўрин учун — диплом, магнитола ва 200 сўм пул мукофоти;

в) учинчи ўрин учун — вимпел, радиоприёмник ва пул мукофоти.

3. **Бош пиллахоналарнинг директорлари, катта ва участка агрономлари** пилла тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятлар ҳамда пилланинг нави бўйича белгиланган план бажарилган ҳолда область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармаси ва қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область комитетининг фахрий ёрлиги ҳамда бир ойлик иш ҳақлари миқдорида мукофотланадилар.

4. Пилла етиштиришда энг юқори натижаларга эришган **колхозлар коллективларига** учта мукофот берилади:

а) биринчи ўрин учун — кўчма Қизил байроқ ва телевизор;

б) иккинчи ўрин учун — диплом ва магнитола;

в) учинчи ўрин учун — диплом ва радиоприёмник.

5. Энг юқори кўрсаткичларга эришган **область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Ташсадвинсовхоз» трести системасидаги совхозларга** учта мукофот берилади:

а) биринчи ўрин учун — кўчма Қизил байроқ, телевизор ва 300 сўм пул мукофоти;

б) иккинчи ўрин учун — диплом, радиоприёмник ва 200 сўм пул мукофоти;

в) учинчи ўрин учун — диплом, радиоприёмник ва 100 сўм пул мукофоти.

6. Колхозлар ҳамда область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари, «Ташсадвинсовхоз» трести, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи область комитетининг қарори асосида социалистик мусобақа ғолибларини мукофотлаш ҳақидаги таклиф область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Бригада бошлиқларига:

— ҳар қути қурт уруғидан камида 90 килограммдан пилла олганлар учун учта биринчи ўрин. Уларга 200 сўмдан пул мукофоти берилади;

— ҳар қути қурт уруғидан 85 килограммдан ва ундан кўпроқ пилла олганлар учун учта иккинчи ўрин. Уларга 175 сўмдан пул мукофоти берилади;

— ҳар қути қурт уруғидан 80 килограммдан ва ундан кўпроқ пилла олганлар учун учта учинчи ўрин. Уларга 150 сўмдан пул мукофоти берилади.

Звено бошлиқларига:

— ҳар қути қурт уруғидан 110 килограмм ва ундан кўпроқ пилла олганлар учун учта биринчи ўрин. Уларга 100 сўмдан пул мукофоти берилади;

— ҳар қути қурт уруғидан камида 100 килограммдан пилла олганлар учун учта иккинчи ўрин. Уларга 80 сўмдан пул мукофоти берилади;

— ҳар қути қурт уруғидан 90 килограммдан ва ундан кўпроқ пилла олганлар учун учта учинчи ўрин. Уларга 60 сўмдан пул мукофоти берилади.


7. **Область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трестининг пиллачилик бўйича бош ва катта агрономларига** пилла тайёрлаш ҳамда унинг нави бўйича план ва олинган социалистик мажбуриятлар бажарилган тақдирда улар бир ойлик иш ҳақлари миқдорида мукофотланиб, область қишлоқ хўжалик ва пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармалари, «Ташсадвинсовхоз» трести, колхоз, совхозлар ва область қишлоқ хўжалиги министрлиги системасидаги район, колхоз, совхозлар учун область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси;

— «Узплодоовощвинпром» системасидаги совхозлар учун «Ташсадвинсовхоз» трести;

— бош пиллахоналар коллективлари, мутахассислари учун область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармаси;

— бригада ва звено бошлиқлари, колхозчилар, совхоз ишчилари учун хўжаликлар мукофот фонди ҳисобидан ажратилади.

10. Область матлубот союзи пиллачилар ўртасидаги социалистик мусобақа ғолибларига камбағал саноат молларини сотишни таъминлайди.





Кўп тармоқли «Оққўрғон» совхози ем-хашак тайёрлаш бригадаси коллективи хўжалик механизаторлари билан ҳамкорликда озуқа экинлари экишни қизғин бошлаб юбордилар. Ҳозир дон ва силос учун маккажўхори ҳамда хашаки лавлаги экилаётир. 1-бўлим сеялкачиси Ҳалил Мўминов бир кунда нормадаги 7 гектар ўрнига 10 гектар ерга уруғ экишга улгурмоқда.

В. Сироткин фотолари.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ В. А. АНТОНОВНИ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Узбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Виктор Александрович **АНТОНОВ** Узбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Узбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1980 йил 2 апрель.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

БИР ЖОН—БИР ТАН БЎЛИБ

Пискентдаги 82-автокорхона коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига ўтказиладиган Коммунистик шанбаликда актив қатнашишга қарор қилди. Ўша куни слесарлар тўртта автомашина ва битта автоагрегатни сифатли ремонтдан чиқариб берадилар. Ҳайдовчилар эса 2800 тонна халқ хўжалик юкларини манзилга етказиб берадилар.

Автокорхонанинг ишдора ходимлари теварак атрофни ободонлаштириш ишларида қатнашадилар. Улар 240 туп дарахт ва гул кўчатларини ўтказишади.

Райондаги 3-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари ҳиммати ҳам баланд. Улар шанбалик куни ўз участкаларида 7 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга сўз бердилар. Минг сўмлик маблағ бепул йиллик фондига ўтказилади. Асфальт-бетон заводи ишчилари эса йўл қурувчиларига 350 тонна асфальт-бетон етказиб берадилар.

«Ташводстрой» автобазаси шоферлари, район маиший хизмат кўрсатиш уйи чеварлари ва бошқа касб вакиллари ҳам шанбалик куни бажариладиган ишларининг аниқ режасини белгилаб олишган.

ЭЛЧИХОНА ЗИЁРАТ ҚИЛИНДИ

Л. И. Брежнев, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косыгин, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих ўртоқлар Вьетнам Социалистик Республикасининг Президенти Тон Дик Тханг вафот этганлиги муносабати билан 2 апрель куни ВСРнинг СССРдаги элчихонасини зиёрат қилдилар.

Улар Вьетнам халқининг содиқ фарзанди, Хо Ши Миннинг жанговар сафдоши, изчил интернационалист, Совет Иттифоқининг улкан дўсти, тинчлик ва социализм иши учун толмас курашчи хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар ва таъзия китобига имзо чекдилар.

(ТАСС).

КОМСОМОЛЛАРНИНГ ЛЕНИНЧА ЎҚУВИ



В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бу ерга ёш ишлаб чиқариш илғорлари, студентлар, знаменитлар ташриф буюришган. Танганга меҳнат ва уруш ветеранлари ҳам таклиф этилган.

Комсомол-ёшларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, башарият доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига тайёргарлик, доҳий васиятларига садоқат ҳақида тўлиб-тошиб, ҳаяжонланиб гапирадилар...

Экранда қадрли ва азиз Владимир Ильич пайдо бўлди. Ҳужжатли кадрлар инқилоб кунларидан ҳикоя қилади. Владимир Ильич нутқ сўзламоқда, меҳнаткашлар билан самимий суҳбатлашмоқда.

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган «Ленин иши яшайди ва ғалаба қозонади» деган мавзудаги ленинҳонлик машғулотини Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари У. А. Сайдаматов кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғофуржонов «КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда комсомол ва ёшларнинг актив иштироки — «Коммунизмни ўрганамиз», «Ленинча васиятга содиқликнинг ёркин далили» мавзуида доклад қилди.

Шонли комсомолнинг жанговар анъаналарига содиқ қолган комсомоллар партия чақириғига жавобан энг қийин зарбдор участкаларда зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Трактор заводи, тўқимачилик комбинатини реконструкция қилишга 2,5 минг кўнгилли отланди. Ўзбекистонлик комсомол-ёшлар бутуниттифоқ зарбдор участкаларда ҳам активлик кўрсатмоқдалар. 1980 йилда ишлаб чиқаришда, ўқишда эришилаётган ютуқлар уларнинг Ленин ишига садоқатларини яна бир бор намойишидир.

Йиғилиш қатнашчилари тарих фанлари доктори, профессор Қ. Ф. Фозилхўжаевнинг «В. И. Ленин социалистик ва коммунистик қурилишда ёшларнинг роли ҳақида» докладини ҳам қизиқиш билан тингладилар.

— Менинг меҳнат стажим 1917 йилнинг ноябрь ойидан бошланган, — деди сўзга чиққан Тошкент давлат университетининг ўқитувчиси, профессор И. А. Райкова. — Ўша оғир йилларда Владимир Ильич шарқда маърифат нурини сочиш, фан ва маданиятни ривожлантириш ҳақида қайғурган эди. Биз Ленин йўлланмаси билан бир группа олимлар Тошкентга етиб келдик. Гулларб-яшнаётган ҳаётимиз, шу жумладан бугунги аудитория меҳнатимиз меваси, доҳий башоратининг абадийлигидан дарак бериб турибди.

Ленинчилик ўқуви қатнашчилари Ғалаба районидаги Свердлов номли колхознинг механизатори, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси М. Уринбоев, Тошкент политехника институти самолётсозлик факультетининг 4-курс студенти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Д. Исроилова, ВЛКСМ XVIII съездининг делегати «Электроаппарат» заводининг ишчиси Ю. Родионов, Куба граждани, Тошкент университети фалсафа-иқтисод факультетининг студенти Вильма Валдис В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига кўраётган тайёргарликлари, доҳий васиятларига садоқатлари тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Т. Р. Абдушукуров иштирок этди.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1979 йилда дон, пахта ва бошқа ҳил деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича план ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги шавқатли меҳнати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган улкан муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ҳайдарова Саломат — Пискент районидаги «Гулистон» колхози аъзоси.

Холбоев Холтўра — Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз тракторчиси.

Холиқов Мардон — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз сувчиси.

Халилов Ҳайдар Ҳалилович — Халқ депутатлари Бўка район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженери.

Холқўзиев Холча — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Холмирзаева Гулпарвин — Ғалаба районидаги космонавт Волков номли совхоз ишчиси.

Холмуродов Мелибой — Бекобод районидаги Мавлонов номли совхоз ишчиси.

Хасанова Замира Содиковна — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплексининг ишчиси.

Хасанова Робия — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Хасанова Таскира — Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Хасраев Абдухошим — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози бригада бошлиғи.

Хошимов Абдирашид — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи.

Хван Ксения — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

Хўжабеков Зокир — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бригада бошлиғи.

Холбоева Мамлакат — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози ишчиси.

Худабоева Олия Турлибековна — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ўқув хўжалигининг ишчиси, Ўрта Чирчиқ райони.

Худойберганов Нурмад Худойберганович — Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз ишчиси.

Худойберганов Акбарали — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз сувчиси.

Холмуродов Мелибой — Бекобод районидаги Мавлонов номли совхоз ишчиси.

Хасанова Замира Содиковна — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплексининг ишчиси.

Хван Ксения — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

Хўжабеков Зокир — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бригада бошлиғи.

Холбоева Мамлакат — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози ишчиси.

Худабоева Олия Турлибековна — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ўқув хўжалигининг ишчиси, Ўрта Чирчиқ райони.

Худойберганов Нурмад Худойберганович — Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз ишчиси.

Худойберганов Акбарали — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз сувчиси.

Холмуродов Мелибой — Бекобод районидаги Мавлонов номли совхоз ишчиси.

Хасанова Замира Содиковна — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз ишчиси.

(Давоми. Боши газетанинг 15, 19, 20, 21, 25, 26, 29 март, 1 ва 2 апрель сонларида).

Цой Пётр — Ғалаба районидаги Киров номли колхозининг устахона мудири.

Чинтошев Маматкарим Азимбоевич — Халқ депутатлари Ғалаба район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженери.

Шажияева Турдигул — Бўстонлиқ районидаги «Жданов номли колхоз аъзоси.

Шоймардонова Сунхона — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Шарипов Мадиёр — Ғалаба районидаги «Ленинград» колхоз механизатори.

Шергозиев Амир — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз бригада бошлиғи.

Шерматов Жўра — Калинин районидаги «Москва» колхози бригада бошлиғи.

Шерматов Сапар Пўлатович — Ўзбекистон Компартияси Ўрта Чирчиқ район комитетининг бўлим мудири.

Шомуродов Ирисбой — Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхоз-саноат комплексининг тракторчи-машинисти.

Шукурова Назокат — В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг Маданият саройи ишчиси, Бекобод шаҳри.

Эгамбердиева Ҳадича — Коммунистик районидаги «Коммунист» совхози ишчиси.

Эгамбердиева Зеҳрат — Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригада бошлиғи.

Эмрулова Жамила — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Эргашева Арабша — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз аъзоси.

Эргашева Соня — Коммунистик районидаги «Верхний Чирчиқ» совхози ишчиси.

Эрматова Бахмал — Бекобод районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози ишчиси.

Эрматова Умриниса — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Эрназарова Ўрозгул — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Эсонов Нормурод — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бош экономисти.

Эшонтоев Қосимбек — Оҳангарон районидаги Будённий номли совхоз бригада бошлиғи.

Эшонқулова Эсонгул — Пискент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Йўлдошев Тоштемир — Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози ишчиси.

Йўлдошева Ҳайриниса — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоси.

Юсупов Ибрат Исаевич — Тошкент область телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг эшиттиришлар бош редактори.

Юсупова Жамила — Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз аъзоси.

Ёқубова Жамила — Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз аъзоси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдирова Каромат Сидиковна — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Абдувалиев Абдумалик Абдуҳамидович — «Госкомсельхозтехника» Оққўрғон район бирлашмасининг слесари.

Абдужалилова Ибодат — Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз ишчиси.

Абдулҳакимова Ортиқой — Бекобод районидаги Мавлонов номли совхоз ишчиси.

Абдумавлонов Абдиманнон — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи.

Абдурахмонов Абдинаби — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози раисининг муовини.

Абдурахмонов Жўравой — Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози бригада бошлиғи.

Абдуҳолиқов Абдулла — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сувчиси.

Аджигозиева Шафиқа — Оржоникидзе районидаги «Химик» совхози ишчиси.

Азизов Асат — Тошкент районидаги Навоий номли колхоз шофери.

Азизова Комила — Чиноз районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Азизова Шапиқа — «Узбекгидроэнергострой» трестининг Бўстонлиқ районидаги ёрдамчи хўжалиги ишчиси.

Азимов Эминжон Бозорбоевич — Калинин районидаги Свердлов номли совхоз партия комитетининг секретари.

Азимова Шаҳри — Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози ишчиси.

Айдаралиев Турсунбой — Тошкент районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

Айтқулова Ажар — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоси.

Акбаров Хожимурод — Калинин районидаги «Назарбек» совхози тракторчиси.

Оқбердиев Абдуҳаким — Оҳангарон районидаги Куйбишев номли совхоз бўлим бошқарувчиси.

Акромова Ҳолида — Коммунистик районидаги «Ленинобод» совхози ишчиси.

Алибоев Асқар — Ўзбекистон Компартияси Оққўрғон район комитетининг бўлим мудири.

Алибеков Қувондиқ — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз механизатори.

Алиев Осмон — Ўрта Чирчиқ районидаги Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ўқув-тажриба хўжалиги ишчиси.

Алиев Шавкат Бурхонович — Ўзбекистон Компартияси Ўрта Чирчиқ район комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Алиев Янша Мамедович — Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз участка механиги.

Алимқулов Қолдор — Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз звено бошлиғи.

Алимов Маҳаматкарим — Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи тракторчиси.

Алихонов Алишон — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози механизатори.

Алланова Малика — Оққўрғон районидаги Х. Олимжон номли колхоз аъзоси.

Омонов Эсонкелди Абдукаримович — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз механизатори.

Ан Виктор — Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози бригада бошлиғи.

Орифжонова Маъсуда Абдусаматовна — Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг катта агрономи.

Ортиқова Саодат — Чорвачилик илмий-текшириш институти «Красний водопад» экспериментал базасининг звено бошлиғи, Оржоникидзе райони.

Асанов Тўрабек — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз механизатори.

(Давоми бор).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

БАДИЙ ИЖОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг секретари Л. Нуриллаев бадиий ижодиётни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан «Ленин йўли» колхози раиси Қ. Сотгибоев, тикувчилик фабрикаси партия ташкилоти секретари М. Худойназарова, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари район комитети раиси А. Ҳайдаров ўртоқлар қишлоқда бадиий ижодиётни ривожлантириш йўлида кўрилаётган тадбирлар тўғрисида атрофлича гапирдилар.

Ҳозир районда иккита маданият уйи, 60 дан ортиқ клуб ва бошқа маданий-оқартув муассасалари ишлаб турибди, юзлаб бадиий ҳаваскорлар тўгаракларда актив қатнашиб, ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар. Дуторчи қизлар, «Орион» вокаль инструменталь ансамбллари кўрикларда актив қатнашиб, томошабинлар эътиборини қозонмоқда.

Пленум қатнашчилари бадиий ижодиётни янада ривожлантириш, маданий оқартув муассасалари ишини яхшилаш соҳасида бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар устида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И. НЕЪМАТУЛЛАЕВ.

ЛЕКТОРЛАР КУНИ

КАЛИНИН районида ўтказилган навбатдаги «Атеист лекторлар куни» илмий ателзм ва янги анъаналарни жорий этишнинг долзарб муаммолари, илғор тажрибаларни ўртоқлашиш ва тарғибот қилиш масалаларига бағишланди.

Тошкентлик бир гуруҳ таниқли олимлар колхоз, совхоз ва турли муассасаларда лекция ўқидилар, ёш тарғиботчиларга маслаҳатлар бердилар, прогрессив халқ байрамлари ва расм-русларга доир кўпгина рисола, илмий-методик характердаги қўлланмаларни тақдим этдилар. Район «Билим» жамияти атеистик секциясининг режалари ва активларнинг ишлари билан атрофлича танишдилар.

Лекторлар кунида «В. И. Ленин — оташин атеист», «КПСС XXV съезди меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш тўғрисида», «Совет қонунчилиги ва виждон эркинлиги», «Тақдир нима?», «Муқаддас жойлар ҳақида», «Янгича маросимларнинг турмушдаги роли ва аҳамияти» каби қизиқарли мавзуларда 150 дан ортиқ маърузалар, лекция ва суҳбат уюштирилди, тингловчилар саволларига атрофлича жавоблар берилди. Тарих фанлари кандидати Муҳаммад Юсуфхўжаев, «Билим» жамияти область ташкилоти илмий атеизм ва янги урф-одатларни пропаганда қилиш Совети раиси Нурмат Сандов, ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходимлари Мўмин Абдурасулов, Абдулла Асанов ва бошқа олимларнинг суҳбатлари катта қизиқиш уйғотди.

Заҳматобод область илмий атеизм уйининг кўчма экспонатлари, кино установкалари, кўргазма ва техник воситалари бу маърузарда олимларга жуда қўл келди.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг лекторлар группаси ҳамда Калинин район партия комитети томонидан ташкил этилган бу ибратли тадбир тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Ж. МЎМИНОВ.



ЛЕОНИД Андреевич Рябухин узоқ йиллардан бери «Ўзбекхиммаш» заводида мастер бўлиб ишлаб келмоқда. Суратда: Л. Рябухин (чапда) токарь А. Боряевга маслаҳат бермоқда.

В. Сироткин фотоси.

ҲАЁТДА ИЗИНГ ҚОЛСА...

ТАШАББУСКОРЛАР МИНБАРИ

Мен бундан 20 йил муқаддам, мана шу цехга ишга келган эдим. Худди ўша 1960 йилда комбинатимиз қуриб фойдаланишга топширилган. Ҳарбий хизматдан келган йигит учун бу ердаги кайноқ меҳнат қучоғи айни муддао бўлиб, ишнинг оғир ва мураккаблиги чўчитгани йўқ. Аксинча, худди шундай иш менинг табиатимга мос келган эди. Шунинг учун ҳам бир неча ойда бетончи, оператор, арматура йиғувчи касбларини ўзлаштириб олиб, смена топшириқларини ошириб бажара бошладим. Ҳамкасблар катта ишонч билдиришди. 1966 йилда бригадир бўлдим. Маълумки худди шу йили Тошкент зилзиласи рўй берган, шаҳар аҳолиси учун кўплаб турар-жойларни жадал бунёд этиш ниҳоятда зарур эди. Уларни тез ва соз қуриш учун эса материаллар, яъни биз ишлаб чиқараётган темир-бетон девор плиталари керак. Керак бўлганда ҳам сув билан ҳаводек керак. Бригадамиз аъзолари мана шу вазиятни чуқур ҳис қилиб, аввалги йиллардагига нисбатан сезиларли даражада самарали ишлай бошладилар. Смена топшириқлари мунтазам 130—140 процентга етказиб бажарилди.

1966 йил якунлари бўйича комбинатимиздан ўтлаб мусобақа илғорлари ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланди. Мен биринчи мукофотим — Ҳурмат Белгиси орденини шу йили олган эдим. Бу тақдирнома мени ва бригадамизнинг бошқа аъзоларини янги меҳнат ғалабалари сари илҳомлантирди. Биз янги-янги илғор усулларни ишлаб чиқаришга жорий этиб, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаб, яна ҳам кўпроқ ва сифатли маҳсулот тайёрлай бошладик.

Дарё сувини баҳор тоширади, инсон қадрини меҳнат оширади, дейишади. Бу ҳақ гап. Мен мукофот учун интилиб ишлаганим йўқ, албатта. Фақат, бор имконият ва кучимни сарфлаб ўзимга биркитилган вазифани сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилдим ва ҳозир ҳам худди шу кайфият, шу йўналишда меҳнат қиляпмиз. Булар эътибордан четда қолмаяпти. Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени билан ҳам тақдирландим. 1978 йилда ҳаётимда унутилмас воқеа рўй берди — СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак номга сазовор бўлдим.

Бу мукофот ва тақдирномалар олдида ўзимни қарздордек ҳис қилиб, яна ҳам унумлироқ ишлашга, мана шу оддий ишчи — инсонга кўрсатилаётган эътиборга муносиб жавоб беришга ҳаракат қиляпман. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ташаббусимиз ҳам шу тариқа туғилган эди.

Бригадамиз коллективи бир неча йилдан буён тўрт иш кунида беш кунлик планни бажариш шиори остида ишлаб, бундай вазифани адо этиш ҳар бир бригаданинг қўлидан келиши мумкинлигини исботлади. Кўпинча биздан «муваффақиятларингизнинг сири нимада?» деб сўрашади. Бу ёрда ҳеч қандай сир йўқ. Фақат, меҳнат интизоми яхши бўлса, ҳар бир минутдан оқилона фойдаланишга эътибор кучайса ва янгиликка озгина интилиш бўлса — кифоя. Сир эмас, бизнинг бригадамиз аъзолари эрталаб ишга ярим соат — бир соат илгарироқ келишади. Бу муддатда, яъни смена бошлангунгача барча ускуна ва механизмлар ишга тайёрланади. Шунингдек, сменадан кейин бир неча минут қолиб, ускуналарнинг носоз жойларини ремонт қилиб қўямиз.

Бригадамизда рационализаторлик таклифларига алоҳида эътибор билан қараймиз. Чунки янгилик бор жойда тараққиёт бўлади. Илгари кассетага бетон қуйилгандан ундан аввал қўйилган арматура сурилиб ёки чиқиб кетиши ҳоллари содир бўлиб турарди. Бу, девор плита тайёр бўлганида қурувчилар уни монтаж қилолмайди, деган гапдир. Лўндаси — брак. Ана шу бракни қайта тузатиш учун вақт кетади, унумдорлик пасаяди. Виктор Савченко билан иккимиз ҳамкорликда арматуранинг сурилишига йўл қўймайдиган фиксатор — мослама тайёрладик. Бу фиксатор ҳозир заводда кенг қўлланилаяпти.

Заводда жами 14 та бригада бўлиши керак. Беш кунлик планни тўрт кунда бажариш ташаббуси асосида меҳнат қилаётган бригадалар нормадаги иккита ўрнига 3 та кассетада ишлаётгани туфайли 14 ўрнига 9 бригада бу вазифани уддасидан чиқяпти.

Мана шу фактнинг ўзи ташаббуснинг самарасини кўрсатиб турибди. Бу ташаббусни республика Марказий Комитети маъқуллаганлиги зиммамизга янада улкан масъулият юклайди. Шунингдек, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг бригадамиз номига йўллаган табрик телеграммаси бизни ва комбинатнинг барча коллективини янги-янги меҳнат ғалабалари сари илҳомлантиради.

И. ОРИПОВ,
Тошкентдаги 1-ўйсозлик комбинати йирик панелли уй қуриш заводининг бетончилар бригадаси бошлиғи.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ТИНЧЛИК УЧУН ТОЛМАС КУРАШЧИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлидаги тинимсиз кураши учун Ленин мукофоти топширилганлиги, мукофот топширилиши маросимида ўртоқ Брежнев сўзлаган нутқ халқаро кўламда кенг шарҳланмоқда. Оммавий ахборот воситалари Л. И. Брежнев замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик учун, халқлар хавфсизлиги учун изчил курашчи деб таърифламоқда; унинг китоблари саҳифасида ўз халқи буюк фарзандининг, Ленин барҳаёт иши содиқ давомчисининг образи ёрқин ва яққол намоён бўлади.

Совет Иттифоқида ва дунёдаги бошқа мамлакатларда миллион-миллион кишилар Леонид Ильич Брежневга унинг ажойиб китоблари учун астойдил миннатдорчилик билдирмоқдалар. Ана шу китоблар уларни социализм ва коммунизм, демократия ва озодлик тантанаси йўлидаги янги-янги ҳаҳромонона ишларга илҳомлантирмоқда, деб ёзади Чехословакиядаги «РУДЕ ПРАВО» газетаси. КПСС билан совет халқининг ғоят катта тажрибасини умумлаштирувчи бу китоблар СССРда, дунёнинг бошқа мамлакатларида совет халқининг қаҳрамонона жасоратлари тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқинлантирувчи қисса сифатида қабул қилинди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари коммунистик ғояларнинг ва партиявийлик намунаси бўлиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, социалистик демократияни янада ривожлантириш ва кенг оммани давлатни бошқаришга жалб этиш, янги кишини шакллантириш проблемаларини ҳал этишга чуқур партиявий илмий ёндошишга ўргатади, деб таъкидлайди ПБИШ Марказий Комитетининг органи.

Ишчанлик руҳи, ҳодисаларни чуқур анализ қилиб, уларга ҳар томонлама баҳо бериш, таъриф-тавсифларнинг аниқ ва пухталиги ва дадиллиги ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларининг ҳаммасига хос ҳусусиятлардир. Бу унинг ленинча иш услуби принципларига ва ички партия турмушининг ленинча нормаларига содиқлигидан далолат беради. Шу билан бирга бу раҳбарликнинг коллегиаллиги ва ҳар бир кишининг якка-якка масъулияти билан чамбарчас боғланган деб ёзади «ТРИБУНА ЛЮДУ» газетаси.

ЭРОН ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

ТЕҲРОН, 1 апрель. (ТАСС). Эрон Ислом Республикаси эълон қилинганининг бир йиллиги муносабати билан бугун Эроннинг ҳамма шаҳарлари ва вилоятларида оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Эрталабдан Теҳроннинг юз минглаб аҳолиси колонна-колонна бўлиб Озодлик майдони сари йўл олди. Бу ерда оммавий митинг бўлиб, унда Ислом революцион кенгашининг, Эрон ҳукуматининг аъзолари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Оятилло Ҳумайнининг мактуби митинг қатнашчиларига ўқиб эшиттирилди. Эрон революциясининг раҳбари Қўшма Штатларнинг ҳамда шахсан президент Картернинг Эронга нисбатан тутаётган сиёсатини қаттиқ қоралади. У ғаровга олинган америкаликларнинг қисматини Эрон парламенти ҳал этади, деб яна бир бор айтди.

Ҳумайнининг мактубида сўнгра бундай дейилади: «АҚШ Эронни гоҳ ҳарбий оккупация ва парашютчиларни тушириш билан, гоҳ бизнинг мамлакатимизни иқтисодий қамал қилиш ва якалаб қўйиш билан чўчитиб муваффақиятга эриша олмади ва эндиликда тилёгламалик ҳамда маккорона мулойимлик билан бизни чалғитиб халқимизни алдаш йўли билан ғалаба қозонишни истаб сиёсий режани амалга оширишга киришди.

Картернинг бу янги хилласи ағдариб ташланган шоҳ шармандаларча ҳукмронлик қилган сўнгги даврда қилган айёрликка ўхшаб кетади. Ўшанда у руҳонийлар билан халқ олдида тилёгламалик қилабошлади, лекин унинг бу режаси барбод этилди. Жаноб Картер ағдариб ташланган шоҳни Мисрга жўнатиб, ўтмишдаги хатолар муносабати билан узр сўраб, Американинг жафокаш миллатларга, шу жумладан Эронга нисбатан ҳиёнаткорлигини тан олиб ва гаровга олинган кишилар проблемасини ҳал этишни илтимос қилиб шахсан менга — эронлик атиги бир гражданга мурожаат этиб нотўғри йўлдан боряпти. Бу проблемани ҳал этиш фақат олижаноб эрон халқининг ва халқ сайлайдиган ислом парламентининг ихтиёридадир».

Президент Картер, деди Ҳумайни, шоҳга ҳомийлик қилишидан, Америка империализми Эронда қилган кўпдан-кўп жиноятларидан сўнг Эрон-Америка муносабатларидаги танглиқни «ҳалол бартараф» этиш учун ҳеч бир имконият қолмаслигини билиши керак.

Картер сингари Садат ҳам «мурувватпешалик» туйғулари мени шоҳни қабул қилишга ундади, деяётганлиги кишини ҳайратга солади. Улар юз минглаб эронларни жисмоний қирган ва мажруҳ этган ҳамда ўз мамлакатини талаган жиноятчига паноҳ бериб турганларидан сўнг қандай «инсонпарварлик» тўғрисида гап бориши мумкин.

Оятилло Ҳумайни Эрон халқини Эронда ички низо ва тартибсизликлар чиқишига кўмак берувчи ҳатти-ҳаракатларга чек қўйишга ҳам даъват этди.

Эрон революцияси раҳбарининг мактуби ўқиб эшиттирилгандан сўнг Озодлик майдонида ҳарбий парад ва турли жамоат ташкилотлари вакилларининг намойиши бўлди.

МОТАМ КУНИ

ОСЛО, 1 апрель. (ТАСС). Кеча Норвегияда ҳамма ҳукумат биноларида давлат байроқлари пасайтириб қўйилди. Норвегиянинг Шимолий денгизидаги нефть конларида юз берган фалокат натижасида ҳалок бўлганларнинг ҳотирасига мамлакатда миллий мотам куни эълон қилинди.

Илгари хабар қилинганидек, Шимолий денгизидаги бутун нефть қазиш тарихидаги энг катта фалокат бўрон пайтида юз берди. Сузувчи платформанинг бешта устунидан бири синиб кетди. Унда ишчилар ва нефтчи мутахассислар бор эди. 10 минг тоннадан оғирроқ иншоот ағдарилди.

Норвегия ҳукуматининг аниқлаган маълумотларига кўра, фожиа 123 кишининг ёстиғини қуритди. Сузувчи платформада бўлган 212 нефтчидан 89 нафаригина қутқарилиб қолинди. Зўр бериб излашларга қарамай (бу ишда бир қанча мамлакатлардан ҳарбий кемалари, самолётлари ва вертолётлари қатнашди) ҳалок бўлганларнинг фақат 42 кишинигина жасадини топиш мумкин бўлди. Энди қутқариш ишлари тўхтатилди.



ВАШИНГТОН. Мамлакатнинг турли бурчакларидан келган 30 мингдан ортиқ америкалик урушга қарши намойишда қатнашдилар. Бу Вьетнам уруши давридан буён Америкада пойтахтда ўтказилган энг йирик намойишдир.

Ю. Левченко телефотоси, ТАСС фотохроникаси.



◆ ПОДАДАГИ СИГИРЛАР СОНИ КЎПАЙСИН

◆ ЕТТИ ҲАЗИНАНИНГ БИРИ

◆ ТАШАББУСКОР СУТ СОҒУВЧИЛАР ИЗИДАН

◆ ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

САҲИФА № 14

ҲАР СИГИРДАН 6000 КИЛОГРАММДАН



Анастасия Ивановна Чудная ва Мунаввар Исҳоқова. Бу машъал сут соғувчилар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида сигирлар маҳсулдорлигини кескин оширишташаббусини бошлаб берган областимизнинг илғор чорвадорларидир. Бу йил А. И. Чудная 813 тонна, М. Исҳоқова эса 250 тонна сут соғиб олиш учун курашмоқдалар. Суратда: Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш операторлари А. И. Чудная ва Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси М. Исҳоқовалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг областимиз чорвадорлари эришган ютуқлар муносабати билан йўллаган табрикномаси мени ғоят ҳаяжонлантирди. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш йўлида жон куйдириб ишлаётган фидокор меҳнат аҳлига бундан ҳам юксак мукофот бўлмаса керак. Ахир ҳар ким ҳам ўз меҳнатининг самарасини кўришни, уни эл-юртга манзур қилишни истайди. Мен ҳам шу меҳнатсевар ажойиб одамлар сафида бўлганимдан, чорвадорларимиз эришган катта ғалабага оз бўлса ҳам ҳисса қўшганимдан фахрланаман.

Бизнинг колхоз чорвадорлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилини муваффақиятли якунладилар. Қорамоллар сони 1000 бош ўрнига 1190 бошга етди. Шу жумладан сигирлар сони 450 ўрнига 500 бошга етказилди.

Фермамизнинг аҳил коллективи чорва маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам қувончли натижаларга эришдилар. Жумладан, 107 ўрнига 120 тонна гўшт, 1620 ўрнига 2166 тонна сут етиштирилди. Шу туфайли давлатга гўшт, сут топшириш план ва социалистик мажбуриятлари ошиғи билан ado этилди.

Чорвадорлар меҳнати самарасини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан бири соғиш сигирлар маҳсулдорлигидир. Фермамизда бу кўрсаткич йил сайин ўсиб бораяпти. Ўтган йили ҳар сигирдан пландаги 3950 ўрнига 4730 килограммдан сут соғиб олинди. Бу хўжалигимиздаги барча молбоқарлар, сигир соғувчилар, чорвачилик мутахассисларининг якдил бўлиб қилган астойдил меҳнатлари самарасидир.

Шунисн айниқса қувончлики, фермамизда меҳнатсевар моҳир сут соғувчилар сафи кенгайиб бораётир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Мунаввар Исоқова ўтган йили 40 бош сигирнинг ҳар биридан 6250 килограммдан сут соғиб, барча ҳамкасбларидан ўзиб кетди. У бу йил 50 бош сигир боқиб, ўтган йилдагидан кўп сут соғиб олиш учун астойдил курашмоқда.

Мунаввар опанинг издошларидан Валида Мусаева, Ноиба Ёдгоровалар ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Масалан, Валида Мусаева, ҳар бош сигирдан 5791, Ноиба Ёдгорова 4943 килограммдан сут соғиб, илғорлар сафига кўтарилдилар. Мен ҳам ҳамкасбларим қатори қарамоғимдаги 25 сигирнинг ҳар биридан 5882 килограммдан сут соғиб олдим.

Илк бор фермага ишга келганимда мени шогирдликка олган тажрибали сут соғувчи Мактуба опа Иноятованинг ўша кезларда айтган гаплари ҳамон эсимдан чиқмайди. «Сен сигирларга ем-хашак берсам бўлди, сутини олавераман деб ўйлама, деган эдилар устозим. — Уларни ўзингга ўргатиб олишинг керак. Сигирларни қанча эркалаб, ўз вақтида ювиб-тозалаб турсанг, улар шунчалик яхши ийиб кўп сут беради».

Бу сўзларнинг қанчалик тўғри эканини тажрибада синаб кўрдим. Мен биринчи устозимнинг шу сўзларига амал қилиб 23 йилдан бери фермада меҳнат қилиб келаяпман. Қарамоғимда 25 бош сигир бор. Уларнинг ҳар бирига «Ромба», «Коснта», «Имма» сингари ном қўйганмиз. Шу сигирларимдан 6000-6100 килограммдан сут соғиб олаяпман.

Сут соғувчилик оддий, аммо шарафли касб. Қизим Мақсудада ҳам шу касбга ҳақиқий ҳавас уйғонганида жуда қувонган эдим. Мана, ҳозир у мустақил ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришиш учун интиляпти.

Бу йил фермамиз коллективи ўз зиммасига 2500 тонна сут, 180 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олган. Биз она-бола иккимиз ҳам шу мажбуриятни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун курашяпмиз. Мен Мунаввар Исҳоқова билан мусобақалашиб ҳар сигирдан 6000 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганман. Мажбуриятимни сўзсиз бажараман.

Қутби ФАИЗИЕВА,
Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сигир соғувчиси.

СЎЗ — МАШЪАЛ ЧОРВАДОРЛАРГА



Областимизнинг илғор чорвадорлари ташаббусига қўшилган Бўстонлик районидаги К. Маркс номли колхоз сут соғувчиси Ш. Матенова бу йил сигирлари маҳсулдорлигини 4500 килограммга етказиб, улардан жами 950 центнер сут соғиб олишга аҳд қилган. Суратда: илғор сут соғувчи Ш. Матенова.

В. Портнов фотолари.

МУСОБАҚАДОШ ДУГОНАЛАР

ОҚҚЎРҒОН районидаги «Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида янада самаралироқ ишлашга, чорва маҳсулотлари сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Кундан-кунга авж олиб бораётган бу мусобақада Тошкент область партия комитети аъзоси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати Маҳсуда Қўлдошева карвонбошлик қилмоқда. У ўзига бириктирилган 20 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 5 минг 500 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиш ташаббуси билан чиқди. Унинг ватанпарварлик ташаббусини райондаги 50 дан ортиқ сут соғувчилар қўллаб қувватлашмоқда.

Ташаббускор сут соғувчи ўз сўзининг устидан чиқиш учун сут соғиб олиш миқдорини тобора кўпайтирмоқда. Январь ойида ҳар бош соғин сигирдан 405 килограммдан сут соғиб олган бўлса, февраль ойида бу кўрсаткични 435 килограммга етказди.

Колхоз сут-товар фермасига келганимизда эндигина сигирларини соғиб бўлган Маҳсуданинг синглиси, область Совети депутати Зуҳрахон Қўлдошева ва район Совети депутати Қундузой Абдусаттороваларга дуч келдик.

Зуҳрахонлар онаси чорвадорлар онаси, уларнинг ота-оналари 30 йилдан ортиқ колхоз фермасида меҳнат қилишган. Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан мукофотланишган. Ҳозирги пайтда улар қарилик ёшини ҳисобга олиб, ишдан бўшаган бўлсалар-да, ҳали-бери ишдан кетишни ўйламаётган экан.

— Ҳали ўзимизни қариганимиз йўқ, — деди Зуҳрахон опа. — Ҳар ҳолда ёшлар қатори ишлаяпмиз. Ҳозир ҳаммамиз ҳам ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида сигирлар маҳсулдорлигини кескин оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу йил ҳар бир сигирдан 4500 килограммдан сут соғиб олишни мўлжаллаганмиз. Ҳозирги кунда ҳар бир сигирдан 4 минг 500 килограммдан сут соғиб олинган. Ҳали ҳаммамиз ҳам ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 4500 килограммга етказиш юзасидан юксак социалистик мажбурият олишган.

Хатларнинг *мазмуни* ва мазмуни ранг-баранг. Бўкалик штатсиз мухбиримиз **А. Шотемиров, С. Эгамбердиева**лар ўз мактубларида райондаги «Ленинизм», «Ленинобод» колхозларининг ферма юлдузлари Саодат Фармонова, Гўзалхон ва Эътибор Раҳматова, Турсуной Мамашарипова, Шарофат Анорбоеваларнинг меҳнат зафарларидан ҳикоя қилишса, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан хабар йўллаган ҳаваскор мухбир **Тошпўлатова** 22 йилдан бери сут соғувчилик қилиб келаётган, ҳалол меҳнати туфайли ҳамкишлоқлари ҳурмат-эътиборини қозонган Ўрингул Ортиқбоеванинг бой тажрибасидан намуналар келтирган. «Ўрингул опанинг кўксини Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турибди», — деб ёзади автор ҳаяжон билан.

Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг сут соғувчиси Турсуной Асроева фермадаги сафдошлари орасида ҳаммадан кўп сут соғиб олиб, 1979 йил социалистик мусобақаси ғолиби бўлди. Турсуной бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермай келяпти. У В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги кунигача ярим йиллик планни бажариб, йил давомида ўзига бириктирилган 22 бош сигирдан 77 тонна сут соғиб олишга сўз берди. Ҳаваскор мухбиримиз **У. Маҳкамов** ўз хабарида шулар ҳақида ёзган.

Уз касбини ардоқлаган бузоқбоқарлар Урқия Жузиева, (Ғалаба районидаги Волков номли совхоз), Матлуба Мирзаева, Бегимжон Сотибалдиева, Зеваржон Ўришбоева, Энажон Бўтабоева (Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози)ларнинг сигирлар подасини серсут ғунажинлар ҳисобига тўлдиришдек муҳим ишга катта ҳисса қўшаётганликлари ҳақида ҳаваскор ва штатсиз мухбирларимиздан **Т. Эргашев, М. Рўзиматов, Я. Тоғаев, Я. Умурзоқов**лар ёзиб юборишган.

Шу мазмундаги хат-хабарларни штатсиз мухбирларимиздан оҳангаронлик **О. Хушназаров, Қ. Одинаев**лар, писхентлик **О. Иззатуллаев**, Оржоникидзе районидан **Қ. Муллабоев, И. Неъматов**лар, **П. Иброҳимов** (Бўстонлик), **Ҳ. Асроқулов** (Бўка) ҳам ёзиб юборишган.

ДУРКУН ҚЎЗИЛАР

ПАРКЕНТ районидаги «Ленинобод» совхозининг чўпон-чўлиқлари Эркин Дадаматовни ҳурмат билан тилга олишади. У кўп йиллардан бери чўпонлик касбини ардоқлаб келаётир. Хўжаликда чорвачиликни, ҳусусан, қўйчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳиссса қўшаяпти. У зиммага олган мажбуриятларини доимо ортиғи билан бажаради.

Тажрибали чўпоннинг шу кунлардаги меҳнатлари, айниқса, самарали бўлаётир. Кўллар қатори у ҳам доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига кенг қулоч ёйдирилаётган социалистик мусобақада актив қатнашиб, ўз отаридаги 232 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 135 тадан соғлом қўзи олиб ўстиришга, ҳар бир қўйдан 4 килограммдан жун қирқиб олишга сўз берган эди. Эндиликда моҳир яйлов баҳодирининг сўзи билан иши бир бўлаяпти. Қўйларнинг зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилинаётганлиги, қўзилатиш кампанияси қизғин тус олган шу кеча-кундузларда сергак туриб, совлиқларнинг ўрта семизликда бўлишини таъминлаётганлиги туфайли қувончли ютуқларни қўлга киритаяпти. Ҳозиргача 230 бошдан ошиқроқ қўзи олиб, планни райондa биринчилар қатори ортиғи билан адо этди.

Пешқадам чўпон шу кунларда юксак социалистик мажбуриятларини ҳам ёруғ юз билан бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ж. АБДИЕВ.

САТРЛАРДА МЕҲНАТ МАДҲИ

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

1980 йил баҳори ўзгача тароват, ўзгача мазмун билан кириб келди. Ҳар бир меҳнат кишиси доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини ўз иш соҳасида шахсий намуна кўрсатган ҳолда кутиб олиш иштиёқи билан яшамоқда. Эл дастурхонини нозу неъматга тўлдираётган соҳибкору — чорвадор ҳам бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан мўл маҳсулот етказиб бериш, юртимизда тўкинчилик яратишга бел боғлаган. Айниқса, областимиз чорвадорларининг ниятлари юксак. Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрик хатидан беҳад руҳланиб, янги йилнинг дастлабки ойлариданоқ чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эришмоқдалар.

Отарларда, фермаларда социалистик мусобақа илғорлари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Редакциямизга келаётган кўплаб хат-хабарларда уларнинг жўшқин меҳнати, фидойилиги мадҳ этилади.

Конвертларни очганда «Ферма юлдузлари», «Машъал сут соғувчи», «Мусобақадошлар», «Оқ чашма бунёдкори» каби сарлавҳаларга кўзингиз тушади. Мана улардан бири. Бу мактубнинг автори бекободлик **К. Раҳмонбердиев** Ленин номли колхозининг мусобақадош икки сут соғувчиси Майрам Оллоназарова билан Заргул Султоноваларнинг меҳнат ғалабаси ҳақида ҳикоя қилади. Ўтган йили Майрам 22 бош сигирнинг ҳар биридан 4800, Заргул 19 бош сигирнинг ҳар биридан 4300 килограммдан сут соғиб олишган эди. Бу йил улар сигирлар маҳсулдорлигини 5000 килограммга етказиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишган.

Шу мазмундаги мактубни Коммунистик районидаги «Правда» колхозидан ҳаваскор мухбир **А. Шаханов** ҳам йўллаган. Хат муаллифи колхознинг илғор сут соғувчиси Екатерина Пакнинг меҳнат муваффақиятлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилади. Екатерина кўп йиллик тажриба ва маҳоратини ишга солиб сут соғишда рекорд кўрсаткичларга эришмоқда. Ўтган хўжалик йилида у ўз қарамоғидаги 22 бош соғин сигирдан жами 117 тонна, ҳар бош сигирдан 5436 килограммдан сут соғиб олди, деб ёзади у.

Екатерина Пак соғувчилик қилаётган «Правда» колхози бўйича эса 1979 йили ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори ўртача 4400 килограммни ташкил этади. Бу илғор хўжалик чорвадорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 4500 килограммга етказиш юзасидан юксак социалистик мажбурият олишган.

Хатларнинг *мазмуни* ва мазмуни ранг-баранг. Бўкалик штатсиз мухбиримиз **А. Шотемиров, С. Эгамбердиева**лар ўз мактубларида райондаги «Ленинизм», «Ленинобод» колхозларининг ферма юлдузлари Саодат Фармонова, Гўзалхон ва Эътибор Раҳматова, Турсуной Мамашарипова, Шарофат Анорбоеваларнинг меҳнат зафарларидан ҳикоя қилишса, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан хабар йўллаган ҳаваскор мухбир **Тошпўлатова** 22 йилдан бери сут соғувчилик қилиб келаётган, ҳалол меҳнати туфайли ҳамкишлоқлари ҳурмат-эътиборини қозонган Ўрингул Ортиқбоеванинг бой тажрибасидан намуналар келтирган. «Ўрингул опанинг кўксини Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турибди», — деб ёзади автор ҳаяжон билан.

Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг сут соғувчиси Турсуной Асроева фермадаги сафдошлари орасида ҳаммадан кўп сут соғиб олиб, 1979 йил социалистик мусобақаси ғолиби бўлди. Турсуной бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермай келяпти. У В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги кунигача ярим йиллик планни бажариб, йил давомида ўзига бириктирилган 22 бош сигирдан 77 тонна сут соғиб олишга сўз берди. Ҳаваскор мухбиримиз **У. Маҳкамов** ўз хабарида шулар ҳақида ёзган.

Уз касбини ардоқлаган бузоқбоқарлар Урқия Жузиева, (Ғалаба районидаги Волков номли совхоз), Матлуба Мирзаева, Бегимжон Сотибалдиева, Зеваржон Ўришбоева, Энажон Бўтабоева (Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози)ларнинг сигирлар подасини серсут ғунажинлар ҳисобига тўлдиришдек муҳим ишга катта ҳисса қўшаётганликлари ҳақида ҳаваскор ва штатсиз мухбирларимиздан **Т. Эргашев, М. Рўзиматов, Я. Тоғаев, Я. Умурзоқов**лар ёзиб юборишган.

Шу мазмундаги хат-хабарларни штатсиз мухбирларимиздан оҳангаронлик **О. Хушназаров, Қ. Одинаев**лар, писхентлик **О. Иззатуллаев**, Оржоникидзе районидан **Қ. Муллабоев, И. Неъматов**лар, **П. Иброҳимов** (Бўстонлик), **Ҳ. Асроқулов** (Бўка) ҳам ёзиб юборишган.

ИЛҒОРЛАРГА ЭРГАШИБ

Яқинда областимизнинг бир группа илғор чорвадорлари ибратли ташаббус билан чиқишиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга берган ваъдаларининг албатта, устидан чиқажакларини баён қилдилар. Улар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ленинчасига, зарбдорчасига ишлашга қарор қилдилар. Ҳамкасбларимизнинг бу ватанпарварлик ташаббуслари бизни янада унумли ва сифатли меҳнат қилишга даъват этди.

Колхозимиз чорвадорлари давлатга гўшт, сут топшириш бўйича беш йиллик планларини бажариб, айни пайтда ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 4500 килограммга етказиш юзасидан юксак социалистик мажбурият олишган.

Хатларнинг *мазмуни* ва мазмуни ранг-баранг. Бўкалик штатсиз мухбиримиз **А. Шотемиров, С. Эгамбердиева**лар ўз мактубларида райондаги «Ленинизм», «Ленинобод» колхозларининг ферма юлдузлари Саодат Фармонова, Гўзалхон ва Эътибор Раҳматова, Турсуной Мамашарипова, Шарофат Анорбоеваларнинг меҳнат зафарларидан ҳикоя қилишса, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан хабар йўллаган ҳаваскор мухбир **Тошпўлатова** 22 йилдан бери сут соғувчилик қилиб келаётган, ҳалол меҳнати туфайли ҳамкишлоқлари ҳурмат-эътиборини қозонган Ўрингул Ортиқбоеванинг бой тажрибасидан намуналар келтирган. «Ўрингул опанинг кўксини Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турибди», — деб ёзади автор ҳаяжон билан.

Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг сут соғувчиси Турсуной Асроева фермадаги сафдошлари орасида ҳаммадан кўп сут соғиб олиб, 1979 йил социалистик мусобақаси ғолиби бўлди. Турсуной бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермай келяпти. У В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги кунигача ярим йиллик планни бажариб, йил давомида ўзига бириктирилган 22 бош сигирдан 77 тонна сут соғиб олишга сўз берди. Ҳаваскор мухбиримиз **У. Маҳкамов** ўз хабарида шулар ҳақида ёзган.

Уз касбини ардоқлаган бузоқбоқарлар Урқия Жузиева, (Ғалаба районидаги Волков номли совхоз), Матлуба Мирзаева, Бегимжон Сотибалдиева, Зеваржон Ўришбоева, Энажон Бўтабоева (Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози)ларнинг сигирлар подасини серсут ғунажинлар ҳисобига тўлдиришдек муҳим ишга катта ҳисса қўшаётганликлари ҳақида ҳаваскор ва штатсиз мухбирларимиздан **Т. Эргашев, М. Рўзиматов, Я. Тоғаев, Я. Умурзоқов**лар ёзиб юборишган.

Шу мазмундаги хат-хабарларни штатсиз мухбирларимиздан оҳангаронлик **О. Хушназаров, Қ. Одинаев**лар, писхентлик **О. Иззатуллаев**, Оржоникидзе районидан **Қ. Муллабоев, И. Неъматов**лар, **П. Иброҳимов** (Бўстонлик), **Ҳ. Асроқулов** (Бўка) ҳам ёзиб юборишган.

ЎРДАКЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

БЎСТОНЛИК районидаги «Октябрь 60 йиллиги» ўрдакчилик комплекси бундан икки йил илгари ташкил этилган эди. Дастлабки йилиёқ давлатга 970 минг дона тухум топширилиб, план 162 процент адо этилди. Ўтган йили эса қабул пунктларига пландаги 1 миллион ўрнига 1 миллион 245 минг дона тухум етказиб берилди. Аммо комплексда гўшт етиштириш ва давлатга топшириш планлари бажарилмай қолди.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида паррандачилик хўжалигининг аҳил коллективи ўзаро социалистик мусобақани авж олдирган ҳолда меҳнат қиляпти. Хўжалик аъзолари булгурги камчиликларни бартараф этиб, пландаги 3500 ўрнига 3740 центнер гўшт ҳамда 3,5 миллион дона тухум етиштириш мажбуриятини олишган. Улар давлатга 3000 центнер гўшт ва бир миллион дона тухум сотиш планини эса Улуғ Октябрь социалистик революцияси 63 йиллиги байрамигача бажаришни режалаганлар.

Паррандабоқарлар ваъдага вафо қилиш учун қураши, давлатга тухум топшириш квартал планини муддатидан анча илгари ошириб бажардилар. Ҳозиргача 670 минг дона тухум етиштирилиб, шунинг 325 минг донаси давлатга сотилди. Бу квартал пландагидан 115 минг дона кўп, демакдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган хўжалик аъзолари давлатга гўшт ва тухум топширишни ошириш билан бирга паррандалар бош сонини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. 1978 йили хўжаликда 10 мингта ўрдак бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 30 мингдан ошиб кетди. Йил охиригача уларни 40 мингтадан ошириш кўзда тутилган.

Совхоз қўшни хўжаликларга ва аҳолига ўрдак болаларини сотиш билан ҳам шуғулланмоқда. Бу йил 1 миллион 400 минг дона тухум инкубацияга қўйилди. Бу тухумлардан очирилган ўрдак болаларининг 465 мингги хўжаликлар ва аҳолига сотилади. Қолганлари ўстиришга қолдирилади. 123 мингта катта ёшдаги ўрдакларни ҳам колхоз ва совхозларга боқиш учун сотиш мўлжалланган. Комплекс паррандабоқарлари, шунингдек, кунига ўртача 10—12 минг дона ўрдак тухумини турли хўжаликларга жўнатяпти.

Совхознинг келажаги порлоқ. Ўн биринчи беш йилликда унинг ҳозирги мавжуд 49 гектар майдони икки маротаба кенгайтирилади. Шунга яраша паррандалар сони ҳам бир неча бор кўпайтирилади. Хўжаликнинг ўзида гўшт цехи фойдаланишга топширилади. Шу кунларда бу объектни бунёд этиш ишлари қизғин бормоқда. У ишга туширилгандан сўнг савдо тармоқларига бир сменада 100 центнер гўшт юборилади.

А. ИБРОҲИМОВ.

СИГИРЛАР НЕГА КАМАЙИБ КЕТДИ?

Чиноз районидаги К. Маркс номли колхозда ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида сигирлардан 551 та бузоқ олинди. Шу давр ичида хўжалик сут-товар фермасида қорамоллар бош сони атиги 43 тага, шу жумладан сигирлар боши 34 тага кўпайди. Фақат ўтган йили хўжаликда қорамоллар бош сони плани оширилиб бажарилди. Сигирлар бош сони бўйича белгиланган план эса беш йиллик бошидан бўён уддаланмай қолаяпти. Ўтган йили сут-товар фермасида пландаги 180 ўрнига 172 бош сигир соғилди. Бу ерда қорамоллар подасидаги сигирлар салмоғи атиги 30 процентга тўғри келади, холос. Бунинг сабаби нимада?

Колхоз бош зоотехниги Ҳаким Фозиловнинг айтишига қараганда, кейинги йилларда хўжаликда сигирлар зотини яхшилаш чоралари кўрилаётир. Шу мақсадда 1975 йилда Эстониядан 100 бош қизил-ола зотли ғунажин ҳарид қилинган эди. Улар билан подадаги жайдари сигирлар ўрни тўлдирилди. Келгусида ҳам сигирларни ана шу зотли моллар урғочи бузоқлари ҳисобига кўпайтириш мўлжалланаяпти. Жумладан, бу йил яна 25 та ғунажинни сигирлар қаторига ўтказиш кўзда тутилган.

Лекин бош зоотехникнинг бу изоҳи бизни қаноатлантирмади, албатта. Чунки, фақатгина ўша зотли ғунажинларнинг ўзидан уч йил ичида 120 бошдан кўпроқ урғочи бузоқ олинди. Агар улар ҳам сигирлар қаторига ўтказилганда ҳозирдагидек подадаги соғин сигирларнинг 72 боши жайдари бўлмас эди.

Энг муҳими шундаки, хўжаликда сигирлардан насл олишда жуда катта нуқсонларга йўл қўйилаётир. Фермада бузоқ олиш кўпайиши ўрнига камайиб кетмоқда. Буни 1977 йилда ҳар 100 бош сигир ва иккн ёшли ғунажинлардан 88 та, 1978 йилда 77 та бузоқ олинган бўлса, ўтган йили ўртам Раҳмоновга ветеринария техниги вазифаси ҳам топшириб қўйилган. Шунинг учун бўлса керак, фермада сигир ва ғунажинларни урчитиш муддатларига тўла риоя қилинмаяпти. Ҳар йили бу ерда 30-35 бош сигир қисир қолаяпти. Қоидага кўра 18-19 ойлик ғунажинлар ҳам урчитилган бўлиши керак. Фермада эса 3 ёшга етган бўлсада, ҳали қочирилмаган ғунажинлар ҳам бор.

— Сунъий урчитиш самарали бўлиши учун ғунажинларнинг тирик вазни 300 килограммга етказилиши керак, — дейди бош зоотехник. — Аммо, жайдари сигирлардан олинган урғочи бузоқлар 2 ёшли пайтида бу вазнга етмайди. Шу сабабли урчитиш муддатларини орқага суришга тўғри келади.

Аҳвол шундай бўлишига сабаб хўжаликда бузоқларнинг ёшлигидан тўғри парвариш қилишга етарлича эътибор берилмаётганлигидадир. Бу ерда бузоқбоқарлар бу кўрсаткич бор-йўғи 69 тани ташкил этгани яққол исботлаб турибди. Бу бузоқ олиш бўйича область хўжаликлари ичида энг паст кўрсаткичлардан биридир.

Сигир ва ғунажинлар учдан бир қисмининг қисир қолиб, умри бекорга ўтаётгани фермада сунъий урчитиш ишининг ночорлигидан далолат беради. Ҳозиргача колхозда бу ишга жавобгар мутахассис йўқ. Колхоз осеменатори бўлиб ишлаётган ўрта махсус маълумотли зоотехник бор-йўғи бир ойлик курсдан ўтган, холос. Ҳозир у ҳам сигирлар қаторига ўтказилганда ҳозирдагидек подадаги соғин сигирларнинг 72 боши жайдари бўлмас эди.

Энг муҳими шундаки, хўжаликда сигирлардан насл олишда жуда катта нуқсонларга йўл қўйилаётир. Фермада бузоқ олиш кўпайиши ўрнига камайиб кетмоқда. Буни 1977 йилда ҳар 100 бош сигир ва иккн ёшли ғунажинлардан 88 та, 1978 йилда 77 та бузоқ олинган бўлса, ўтган йили ўртам Раҳмоновга ветеринария техниги вазифаси ҳам топшириб қўйилган. Шунинг учун бўлса керак, фермада сигир ва ғунажинларни урчитиш муддатларига тўла риоя қилинмаяпти. Ҳар йили бу ерда 30-35 бош сигир қисир қолаяпти. Қоидага кўра 18-19 ойлик ғунажинлар ҳам урчитилган бўлиши керак. Фермада эса 3 ёшга етган бўлсада, ҳали қочирилмаган ғунажинлар ҳам бор.

— Сунъий урчитиш самарали бўлиши учун ғунажинларнинг тирик вазни 300 килограммга етказилиши керак, — дейди бош зоотехник. — Аммо, жайдари сигирлардан олинган урғочи бузоқлар 2 ёшли пайтида бу вазнга етмайди. Шу сабабли урчитиш муддатларини орқага суришга тўғри келади.

Аҳвол шундай бўлишига сабаб хўжаликда бузоқларнинг ёшлигидан тўғри парвариш қилишга етарлича эътибор берилмаётганлигидадир. Бу ерда бузоқбоқарлар бир ойгача сигирлардан соғиб олинган сут, 2,5 ойгача эса сунъий сут билан боқилади. Колхозда эса сунъий сут тайёрлаш умуман йўлга қўйилмаган. Шунинг учун бўлса керак, фермадаги бузоқлар биринчи ойда мўлжалдаги 20 килограмм ўрнига 12-15 килограммга семиртирилади, холос.

Тўғри, кейинги пайтда колхозда олинган зотли урғочи бузоқларни уларни парвариш қилишга ихтисослаштирилган хўжаликка топширилмоқда. Аммо, бу хўжалик йилига колхоздан 40 бош урғочи бузоқ олиш имкониятига эга. Хўжаликда йилига олинаётган 130-140 бузоқнинг қолган қисми фермада парвариш қилинади. Уларнинг яхши ривожланиши ва жадал семириши учун зарур шароитлар яратилмаган. Бузоқлар яхши иситилмайдиган хоналарда сақланади. Улар яйратиладиган майдончалар эса тизза бўйи балчиқ. Шу сабабдан йилига 20-25 бузоқнинг нобуд бўлишига йўл қўйилади.

Сигирлардан насл олиш, ёш бузоқлар парваришининг ёмон аҳволда эканлиги хўжаликда қорамоллар бош сонини кескин кўпайтириш имконини бермаётир. Бу эса ўз навбатида хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топширишни янада оширишга тўсқинлик қилаётир. Хўжаликда белгиланган тадбирларга кўра ҳар йили чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни 20-25 процентга кўпайтириш кўзда тутилган эди. Аммо, ўнинчи беш йиллик бошидан бери колхозда сут, гўшт етиштириш планлари аранг бажарилаяпти. Тўғри, ўтган йили колхозда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда бир мунча ўсишга эришилди. Жумладан пландаги 435 тонна ўрнига 483 тонна сут сотилди. Бунга сигирлар бош сонини 5 тага кўпайтириш ва улар ҳар бирининг маҳсулдорлигини 47 килограммга кўпайтириш ҳисобига эришилди. Агар тадбирларда белгиланганига кўра сигирлар бош сони янада оширилганда сут етиштириш ва давлатга сотиш анча кўпаярди.

Хўжалик чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари асосида ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида қорамоллар бош сонини 600 тага, шу жумладан сигирларни 200 тага етказиш, 75 тонна гўшт ва 590 тонна сут етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу марраларни эгаллаш чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш билан бир қаторда насл олиш ишини тубдан яхшилашни талаб этади. Ҳозирча эса колхозда бу соҳада жиддий нуқсонлар мавжуд. Уларни бартараф этмасдан туриб, чорвачиликни янада жадал суръатлар билан ривожлантириб бўлмайди.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БУГУН ФУТБОЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ 43-ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНАДИ

УМИД МАВСУМИ



ФУТБОЛ мухлислари учун яна ҳаяжонли дамлар бошланмоқда. Бугун мамлакатимизнинг 9 шаҳри — Ереван, Тбилиси, Олмаота, Боку, Киев, Одесса, Донецк, Львов ва Тошкентда футбол бўйича мамлакат 43-чемпионати олий лигаси қатнашчилари Олимпиада йили мавсуми байроқларини кўтаришади. Яна стадионлар узра барчамиз учун таниш ва қадрдон бўлиб қолган Матвей Блантернинг футбол марши янграйди. Ўйинлар, қўлга киритилган ғалаба ва мағлубиятлар, тўплар ҳисоб-китоби бошланади. Бир сўз билан айтганда, футбол мухлислари учун яна мунозара ва тортишувлар даври етиб келди.

Бу йилги мавсум масъулияти ва вазифасининг аввалги йиллардагидан аҳамиятли томони шундаки, у олимпиадачиларимиз учун жиддий имтиҳон бўлади. Москва, Ленинград, Киев ва Минск шаҳарларида XXII Олимпия ўйинлари программаси асосида футбол турнири ўтказилади.

Агар ўтмиш олимпиадаларига назар ташлайдиган бўлсак, турли йилларда ғолиб бўлиб келган Швеция, Венгрия, Югославия, Польша, ГДР командалари ўша кезлари жаҳон ва Европа чемпионатларида ҳам муваффақиятли қатнашган, 1960 йили эса Европа кубогини қўлга киритган. Бу ғалабаларни кўп сонли мухлислар хурсанд бўлиб ёдга олишади.

Лекин, афсуски, кейинги кезларда мамлакатимиз футболчилари жаҳон ва Европа чемпионатларидаги мавқеларини бериб қўйишмоқда. Командамизнинг, айниқса, сўнгги жаҳон ва Европа чемпионати саралаш учрашувларида муваффақиятсиз қатнашгани мухлисларни ранжитди. Лекин, умид сўнгани йўқ. Ишқибозлар янги бошланаётган Олимпиада йилги мавсумида Совет футболчилари ўтмиш шуҳратини тиклашади деган умиддалар. Москва Олимпиадасининг футбол турнири бўлажак Европа ва жаҳон чемпионатига бош репитиция вазифасини ҳам ўтайди.

Агар аввалги мавсумларда чемпионлик унвони учун фақат бир ёки икки команда даъвогарлик қилган бўлса, кейинги йилларда ғолиблик учун рақобат қилаётган командаларнинг сафи кенгайганлиги қувонарлидир. Бу ҳол футболимизнинг олға силжишига, унинг мавқеини оширишга ижобий таъсир этади.

Футбол матчи бор-йўғи бир ярим соат давом этади. Лекин, унинг замирида узоқ ва машаққатли тинимсиз меҳнат, изланиш, масъулият ётади. Футболчилар 90 минут давомида ўз ўйинини мухлисларга манзур этаоламан, деб бор тажриба ва билимини ишга солади. 3-5 килограммгача вазн йўқотади. Биз «Пахтакор» командаси катта тренери СССР ва РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Сергей Михайлович Мосягин билан суҳбатимизни ўйинга кўриладиган тараддудлан бошладик.

— Маълумки, ҳар бир матч 90 минут давом этади, — деб сўз бошлади тренер, —лекин биз ҳар куни икки соатдан икки марта, яъни тўрт соат машқ қиляпмиз. Мавсумга тараддудни анча барвақт, ўтган йилнинг 24 декабрида бошлаб юборган эдик. Ердамчиларим Яков Аранович ва Тўлаган Исоқов билан базамизда ўқув машғулотлари ўтказгач, «Неделя» халқаро турнирида иштирок этдик. Сўнгра Болгарияга сафар уюштириб, маҳаллий футболчилар билан тўртта учрашув ўтказдик. СССР кубоги учун ўтказган ўйинларимиз янги мавсумга кўрилган тараддудимизга яқун ясади дейишим мумкин.

— Командангиз чемпионатдаги режалари билан ўртоқлашсангиз.

— «Пахтакор» составида жиддий ўзгариш рўй берганлигини ҳисобга олмай бўлмайди. Лекин шундай бўлишига қарамай, бу мавсум ҳам кучли ўнликдан жой олиш ниятидамиз.

— Сергей Михайлович, командадаги ўзгаришларни тилга олдингиз. Шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Марҳамат. А. Якубик Москванинг «Динамо» командасига, В. Василевский Минск динамочилар сафига, В. Глушаков ЦСКАга, С. Башкиров Москванинг «Спартак» коллективига ўтиб кетишди. Собиқ пахтакорчи А. Могильний «Бўстон»да ўйнаш истагини билдирди. Биз мамлакат футбол федерацияси командамизга яратиб берган имконият,— якуний натижалардан қатъий назар яна икки йил олий лигада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлигимиз сабабли ёшларга кўпроқ эътибор берляпмиз. Командани маҳаллий ўринбосарлар ҳисобига тўлдириш ниятидамиз. Бу қийин, лекин шарафли ишдир. Истисно тариқасида бир неча ўйинчиларни таклиф этганмиз. Булар москвалик армиячи Владимир Кухлевский, пойтахтнинг «Локомотив» командасида ўйнаган Сергей Никифоренко, Павлодарнинг «Трактор» командаси ўйинчиси Александр Кадикин ва Николай Хванлардир.

— Сергей Михайлович, Сизни мухлислар мамлакат ўсмирлар ва ёшлар терма командасининг катта тренери сифатида яхши билишади. СССР ўсмирлар терма командасини жаҳон чемпионини бўлишига катта ҳисса қўшгансиз. «Пахтакор» командасини қабул қилиб олишингизда бу коллектив билан озми-кўпми таништингизми?

— «Пахтакор»ни кўп кузатганман. Бу командангиз ўзига хос ўйин услуби бор эди. Биз ана шу услубни тиклашга ҳаракат қиламиз. Бунда менга яқин ёрдамчиларим Я. Аронович, Т. Исоқов ва бошқа маҳаллий мутахассислар ёрдам берадилар, деган умиддаман.

— Биз ҳам шу ниятдамиз. Кўпсонли футбол мухлислари номидан «Пахтакор»га янги мавсумда омад тилашга рухсат бергайсиз.

— Яхши тилаклар учун раҳмат.

Шундай қилиб бугун 43-чемпионат ўйинлари старт олади. Олий лигада медаллар учун 18 команда куч синашади. Булар «Спартак», «Шахтёр», Киев, Тбилиси, Москва, Минск динамочилари, «Арарат», ЦСКА, «Пахтакор», «Зенит», «Черноморец», «Локомотив», «Қайрат», «Нефтчи», СКА (Ростов-Дон), «Торпедо», «Карпат» ва «Кубань» командаларидир. Олий лига қатнашчилари учун бу йилги мавсумнинг ўзгаришлардан бири шундаки, командалар ўтган йилдагидек, саккизта дуранг учун эмас, балки ўнта дуранг учун очко оладилар. Биринчи лига вакиллари учун эса дуранглар лимити 12 та қилиб белгиланган.

Олимпиада йили футбол мавсуми маррага чиқмоқда. Бу йилги чемпионат серқуёш республикамиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган «Пахтакор» футболчилари учун муваффақиятли бўлади деган умиддамиз. Футболчиларимизнинг ўзлари ҳам ўтган йилдагидан кўра яхшироқ ўйин кўрсатиб, мухлисларга кўпроқ қувонч ҳадя этиш ниятидалар.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
Р. ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчилари.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар:

Фахриддин УМАРОВ

Абдуқодир ЮСУПОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Гулнора АЪЗАМОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ


Программани — Ханифа ОРТИҚБОЕВА олиб боради. «ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

3—20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ ТОМОШАЛАРИ



ҚАТНАШАДИЛАР:

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ СОЛИСТЛАРИ:

XI Олимпиада ўйинлари чемпиони, Жаҳон ва Европа биринчиликларининг тўрт марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Алексей УЛАНОВ.

XI Олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори ва жаҳон, Европа биринчиликларининг беш марта кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги спорт мастери Людмила СМИРНОВА.

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар; Лариса ЛИТВИНЕНКО ва Ирина ФИЛИППОВА.

Томошалар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари спектакль тугашига шаҳар транспортининг ҳамма турлари спорт зали олдига томошабинларни ташиш учун берилади.

Билетлар спорт зали, Свердлов номли концерт зали ва бошқа театрларнинг кассаларида, ҳамда район кассирлари томонидан сотилади.

46-07-52, 46-03-12 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

«ПАХТАКОР»НИНГ БИРИНЧИ ДАВРА ЎЙИНЛАРИ

АПРЕЛЬ.

3. «Пахтакор» — «Динамо» (Москва.
7. «Пахтакор» — Арарат.
12. «Динамо» (Минск) — «Пахтакор».
17. «Зенит» — «Пахтакор».
22. «Пахтакор» — ЦСКА.

МАЙ.

2. «Нефтчи» — Пахтакор».
10. «Локомотив» — Пахтакор».
16. «Пахтакор» —«Торпедо».
27. «Черноморец» — «Пахтакор».

ИЮНЬ.

3. «Пахтакор» — Шахтёр».
9. «Карпат» — «Пахтакор».
18. «Пахтакор» — СКА (Ростов).
22. «Спартак»— «Пахтакор».
26. «Пахтакор» — «Қайрат».
30. «Динамо» (Киев) —«Пахтакор».

ИЮЛЬ

2. «Пахтакор» — «Кубань».

АВГУСТ.

5. «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси).



Суратларда: (юқоридан) пахтакорчилар навбатдаги машғулотга йиғилишди. катта тренер Сергей Михайлович Мосягин, (пастда) Е. Ботиров фоголари.

ОМАД ЁР БЎЛСИН

ҲАР ЙИЛ янги футбол мавсуми арафасида мухлислар севимли командаларига омад тилашади, ундан чемпионатда яхши ўйин кўрсатишини, кўпроқ қувончли дамлар ҳадя этишини исташади.

Мамлакат 43-чемпионат арафасида редакциямиз кўплаб «Пахтакор» мухлисларидан ана шу мазмунда мактублар олди. Улар республикамизнинг етакчи командасига янги мавсумда омадлар тилашган. Аксарият хат авторлари бу мавсум ҳам «Пахтакор»ни кучли ўнликда кўриш истагини билдиргаплар.

* * *

«Биз кўпсонли футбол мухлислари қатори «Пахтакор»га янги мавсумда омад тилаб, командамиздан чиройли ўйин кутамиз. Олимпиада йили мавсуми барча совет спортчилари қатори республикамиз футболчилари учун ҳам жиддий имтиҳон йили бўлади. Бу синовдан пахтакорчилар муваффақият билан ўтиб, кўпсонли мухлисларини ҳужумкор ўйинлари билан хурсанд этадилар деган умиддамиз».

«Пахтакор» мухлислари:

М. ТЎЛАГАНОВ,
Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози механизатори.

З. ПАРПИЕВ,
Оржоникидзе районидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

А. МАСЛОНОВ,
Калинин районидаги ГосНИТИ ўрта Осиё филиалининг эксперимент заводи ишчиси.

ДОИМИЙ ЭКСПОЗИЦИЯ

БЕШ йилликнинг якунловчи йили «Ленинчасига, зарбдор меҳнат қиламиз» шиори остида бошланди. Ана шу қайноқ меҳнат жараёнида ажойиб ютуқлар қўлга киритилмоқда, янги ибратли ишларга қўл урилмоқда.

Бу зафарли одимларни мадҳ этиш мақсадида Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида махсус экспозиция ташкил қилинади. Уни безатиш, материаллар танлаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Томошабинларга тақдим этиладиган мазкур экспонатлар доимий ҳаракатдаги бадиий экспозицияга айланади.

А. АКМАЛОВ.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Бўстонлиқ район маданият уйида фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 35 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Шоирлардан Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Зоҳиджон Обидов ва Андрей Ивановлар район меҳнаткашларининг меҳмони бўлишди.

Шоирларнинг ҳаёти ва ижоди билан танишилгач, шеърхонлик бошланди. Шундан сўнг сўз ижодкорларнинг ўзларига берилди. Улар янги шеърларидан ўқиб, кеча иштирокчилари томонидан тушган саволларга жавоб бердилар. Айниқса, Ватан уруши темасидаги шеърлар кўпчиликка манзур бўлди. Кеча ниҳоясида, район бадиий ҳаваскорлари томонидан концерт қўйилди.

И. ПИРМЕТОВ.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 4 апрель куни бўлади.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЮБИЛЕЙГА АТАБ

ЛЕНИН комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида ажойиб кўргазма тайёрланмоқда. Унга Беков номли билим юрти талабалари бош-қош бўлишяпти.

Билим юртида таълим олаётган йигит-қизлар ўз мўйқаламлари билан доҳиймиз В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттиришга қарор қилдилар. Картиналарда доҳийнинг болалик йиллари, дастлабки тўгараклардаги фаолияти тасвирланган. Полотноларнинг кўпчилиги революцияни тайёрлаш ва уни амалга оширишга бағишланган.

Бундан ташқари Ленин ғояларига амал қилиб, совет халқи эришган улкан муваффақиятлар ҳам турли картиналарда ўз ифодасини топган. Полотноларда беш йиллик илғорлари, улкан қурилишлар яратувчилик ишлари билан танишиш мумкин. Кўргазманинг бир қисми буюк Ғалабанинг 35 йиллигига бағишланмоқда. Ёш рассомлар уруш йилларида халқимиз жасоратини ўзига хос оригинал услубда тасвир этганлар. Кўргазма доҳий В. И. Ленин юбилейи арафасида томошабинлар этиборига ҳавола қилинади.

ПИОНЕРЛАР УЙИ

ШАҲАР марказида кўкка бўй чўзаётган тўрт қаватли бино кўпчилик этиборини ўзига жалб этяпти. Бу ерда шаҳар пионерлар уйи жойлашади. Бино фойдаланишга топширилгач, 400 дан ортиқ болани ўз бағрига олади. Унда ўндан ортиқ тўгараклар ишлаб туради.

Тўгарак машғулотларини етук мутахассислар олиб боради. Улар ёрдамида болалар дурадгорлик, слесарлик, токарлик ҳунарларини эгаллайдилар. Қизлар учун эса бичиш-тикиш, рўзғор тутиш тўгаракларн ташкил этилади.

Ғазалкент шаҳрида ёшларнинг билим олишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун яна бир қатор шароитлар яратилмоқда.

АЪЛОЧИ КИНОМЕХАНИК

ҚЎЧҚОР Аюповни пионерлар яхши билишади. У ҳар оқшом клуб ва маданият уйларига янги-янги фильмлар олиб келади. Томошабинлар кунглини шод этади. Қ. Аюповнинг киномеханик бўлиб, ишлаётганига анча вақт бўлиб қолди. Шу йиллар давомида ҳамқишлоқларига намунали хизмат кўрсатиб, аълочи киномеханик унвонига сазовор бўлди.

М. ЗАРИПОВ.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

НАВРУЗ ШОДИЁНАЛАРИ

НАВБАҲОРНИНГ қувончли айёми — Наврўзга бағишланиб Калинин райони хўжаликларида меҳнаткашлар сайллари, назм ва наво кечалари ўтказилди. Айниқса «Қорасув» совхозида бўлиб ўтган шодиёналар завқли бўлди. Наврўз байрамига бағишланган кечада совхознинг ишлаб чиқариш илғорлари — Ленин ордени кавалерн, моҳир сабзавоткор Абдураҳим Шерматов, ташаббускор сут соғувчи Турғуной Серикбоева ва бошқалар шарафланди. Шундан сўнг бадиий ҳаваскорлар рангбаранг программадаги концертларини кўрсатдилар.

Калинин номли колхозда эса қишлоқ меҳнаткашлари таниқли адиб Уйғун билан учрашдилар.

Наврўз шодиёналарида район маданият уйининг А. Муллабоев раҳбарлигидаги «Ҳосил» ашула ва рақс ансамблининг ҳаваскор ижрочилари қишлоқ меҳнат аҳлига завқ-шавқ бағишладилар. Ансамбль солистларидан М. Мирзамуродов, Г. Акромова, Б. Ғуломова ижросидаги Ватан, партия, баҳор ҳақидаги куй ва қўшиқлар олқишлар билан қарши олинди.

Район бадиий ҳаваскорлари шу кунларда ҳам қишлоқ меҳнаткашларига намунали маданий хизмат кўрсатаётирлар. Райондаги иккита бадиий ҳаваскорлик коллективлари сабзавоткорлар ва чорвадорлар ҳузурида тез-тез бўлиб концертлар қўйиб беришмоқда.

ҲАВАСКОРЛАР САҲНАСИДА

АНГРЕНДАГИ иккинчи шаҳар маданият уйининг драма тўгараги қатнашчилари «Заҳарли ҳаёт» спектаклини саҳналаштираётирлар. Кўп ўтмай ҳаваскор артистлар бу спектакллари ҳамшаҳарлари ҳукмига ҳавола қиладилар.

Шаҳар маданият уйининг драма тўгараги киномухлисларига «Оловли йиллар» кўп серияли телевизион фильмидан яхши таниш бўлган истеъдодли актёр Наргулла Соипов раҳбарлик қилянти. Унинг ташаббуси билан ҳаваскорларнинг республиканинг таниқли артистлари билан учрашувлари ўтказилянти. Яқинда драма тўгараги қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон ССР халқ артисти Ўлмас Алихўжаев бўлди. У ҳаваскорларга артистлик маҳорати тўғрисида қимматли маслаҳатлар берди.

Маданият уйи ҳузурида «Парадокс» вокаль-чолғу ансамбли, бадиий ўқиш ва бошқа тўгараклар ҳам ишлаб туради.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЧУН

— СИЗНИ «Ёлқин» таклиф этади.

Олмаликдаги «Фестиваль» маданият уйида бу эълонга кўзингиз тушади. «Ёлқин» маданият уйи қошида болалар ва ўсмирлар учун ташкил этилган клублардан биридир.

— Бундан ташқари мактаб ўқувчилари «Ўсмир», «Изланиш» ҳаваскорлар уюшмаси каби тўгаракларда ҳам шуғулланадилар,— деб ҳикоя қилади маданият уйининг директори А. Хон.—Бу клубларда ўсмирлар ва болалар ўз қизиқишларига кўра турли тўгараклар ишида иштирок этишлари мумкин. Улар учун бадиий ҳаваскорлик, конструкторлик ва бошқа 12 та тўгарак ташкил этилган.

Маданият уйи ходимлари болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бораётган самарали ишлари учун бир неча бор тақдирланганлар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.



Шу кунларда Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида Чехословакиянинг «Лунапарк» аттракциони шаҳарликларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Суратларда: «Оққушлар». Ҳаво каруселида.

И. Глауберзон фотоси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горичилар, қардасиз! 10.35 — Сарсонликсаргардонликда. Бадиий фильм, 3-серия. 11.45 — Халқ ижодиёти. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00 — Шахмат мактаби. 16.30 — Ўсмирлар учун музикали кечалар. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.00 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм, 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида Г. Эмин шеърияти кечаси. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 —Болалар учун фильм. 11.40 — Спектакль. 13.30 — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқламаси. 14.00 — Шеърият мухлисларига. 14.15 — Тўрт танчи ва ит. Бадиий фильм. 6-серия. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Москва). Танаффус пайтида ахборот. 20.50 — Ахборот. 21.10 — Дилларда баҳор. 21.30 — Время. 22.05 — Ноз-неъмат бунёдкори. 22.25 — Спектакль.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25—Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.55 — Физика. 21.55— Енгилдан эҳтиёт бўлинг. 22.25 — Адабиёт.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да Ганг дарёсининг қизи, 4/IV да Шошма, қуёш!

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/IV да Она қизим, 4/IV да Шаҳзода ва етим қиз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да Ишқ қурбонлари (19.00), 4/IV да Отасининг қизи (19.00).

ДОИМИЙ ИШГА

склад мудири, тарбиячи, машинистка, курьер, автоматик телефон станциясини координациялаш бўйича алоқа техниги, созловчи-слесарь, автопогрузка ҳайдовчи, аккумуляторларни созловчилар, газ пайвандчи, автомоторист, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва катта цирки артистларининг гастроллари (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 13800. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1575. 12